

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг илмий
ходими. Пўлатова Р.*

Қадимдан ўзбекларнинг миллий лиbosлари орасида дўппиларнинг ўзига яраша миллийлиги мавжуд ҳисобланади. Азал-азалдан бери бош кийимларга инсонларда эхтиёж катта бўлиб келган. Ибтидой жамоа давридаёқ инсонлар бошни табиий мухитдан асраш, яъни ёғинлардан ва қуёш иссиғи таъсиридан химоялаш учун дастлаб турли ўсимликлар баргларидан, пўстлоғлардан бош кийим ихтиро этганлар. Инсониятпайдо бўлгандан сўнг лиbosларини дастлабкилари бош кийимлар эканини келингани манбааларда бежиз эмас қайд этилмаган. Асирлар ўтган сари бош кийимлар эркаклар ва аёллар учун турлари кўпайиб борди. Дастлаб эркаклар дўппилари борасида фикрлашсак. Дўппи Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа жойларда яшовчилар кўпгина халқларнинг миллий бош кийими. Ўзбек миллий анъанавий кийимлари орасида кўриниши жиҳатидан кичкина, лекин энг қадимий ва кенг тарқалган бош кийими бу дўппилар эканини барчамиз биламиз. Қадимги миллий бош кийими хисобланган дўппилар эгасининг ижтимоий мақомини ҳамда жамиятнинг маълум қатламига мансублигини англатган. Дўппидўзлик ўзбек миллий каштачилик амалий безак санъатининг ажralmas бир қисми хисобланиб келган бўлиб, республикамизда мавжуд каштачилик мактабларида ўзининг жуда бой бўлган тарихий ва ижтимоий, фалсафий-рамзий ҳамда турли раг-баранг турлари билан бошқа млатларнинг бош кийимлари орасида ажраб туради. Унда қўлланилган тикиш услублари халқимизнинг эстетик диidi, бадиий санъати, ўзига хос гўзалликка интилиши ва эътиборидан далолат беради. Дўппининг таёрланишида алоҳида турмуш тарзи ва махаллий анъаналарнинг тарихий ҳамда умумий маданиятининг ривожланиши катта таъсири бўлиб келганлигини манбааларда кузатамиз. Устки қисми дора ёки квадрат

шаклида: нақшли ва нақшсиз бўлган. Дўппиларни нақшларини асосан баҳмал, шойи, сатинга ип, ипак, зар билан тикилади. Тўғри дўппилар турларини оладиган бўлсак ҳам эркак ва ҳам аёллар учун бир неча хиллардаги мавжуд бўлган. Бизнинг фикримизга кўра, дўппининг нақшлари барча маданиятларда, хусусан буддизм ва монийлик таълимотида жуда кенг тарқалган қуёш билан боғлиқ рамзлар билан боғлиқ. Бунга ўхашаш рамзлар Ўрта Осиёning меъморчилиги ёдгорликлари наъмуналарида ҳам учрайди. Бу рамзлар ва тўртбурчак бўлган шаклдаги бош кийимнинг аниқ қаердан келиб чиқишини айтиш қийин. Яна ҳозирги кунда Фарғона водийсидаги махаллий яшовчи эркакларнинг мавжуд тўртбурчак шаклидаги дўпписининг 2 та тури мавжуд бўлиб, улар рамзларни ифода этиш усулига кўра, “Чуст” ва “Марғилон” дўппилари деб аталган. Шу билан бирга Шарқий Туркистонда тўртбурчак шаклидаги дўппиларнинг 30 га яқин туриёё бор. Дўппиларининг нақшлари ёки рамзларининг маъноси борасида мутахасисларнинг турлича фикрлар мавжуд. Дўппининг нақшларини гоҳан қирғовул қанотига ёки лоланинг япроғига, гоҳида эса қалампирга ўхшатиша-ди. Баъзиларнинг фикрига кўра дўппининг қора рангли матоси юлдузли осмонни ёки ўзида чексиз маълумотларни мужассам этган бутун коинотни ўз ичига сифдирувчи “яъни табиий ходиса манбайи бўлган “Қора тўйнук” ни англатади. Дўппини тепа қисмидаги 4 та асосий нақш она қорнидаги 3 ойлик ҳомилани, ёнмқисимларидағи айланасига бир чизик бўлиб тизилган 16 та тоқлар эса янги туғилган боланинг бешигини англатган. Тоқларнинг ичидаги нуқталар мархумларнинг сўниб бораётган нури ва борлиқ агадийлигининг рамзий ифодасидир. Яна бошқа манбааларга кўра дўппининг нақшлари барча маданиятларда, хусусан буддизм ва монийлик таълимотида кенг тарқалган қуёш билан боғлиқ баъзи рамзларни ҳам билдирганлигини ёзиб ўтилган. Бундайин рамзлар Ўрта Осиёning меъморчилиги ёдгорликларида ҳам бу учраб туради. 19-асрнинг охири ва 20 – асрнинг бошларидан Ўзбекистоннинг турли худудларида каштачилик мактаблари такидланганидек ривожланиб борди. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Шахрисабз, Фарғона,

Чуст, Андижон, Марғилон шунингдек Наманган каби манзилларимизда дўпичилик равнақ топиб борганилигини музейларда сақланиб келаётган экспонатлардан англашимиш мумкин. Ушбу манзиллардаги дўппидўзларнинг тиккан дўппиларда асирлар давомида авлоддан – авлодга ўтиб келаётган ўзига хос кашта турларини кўрамиз. Кашталарнинг нақшинкор услубининг илк асосий қирралари Ўрта Осиёда пайдо бўлган минатура ва амалий санъатда ривожланган наққошлиқ санъати элементлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Каштачи аёллар анъанавий нақшларни ўзлаштирган ҳолда янгидан-янги бетакрор компози-цияларни яратиб келишган. Такидлаб ўтилгандек дўппи асосан қадимдан таёrlашда матоларнинг баҳмал, сидирға шойи, сатин кабилари танланган. Дўппининг номлари таёrlанган жойларга аталган. Масалан Чуст дўпписи, Наманган дўпписи, марғилон дўпписи, шахрисабз дўпписи, самарқанд дўпписи, Бухоро дўпписи ва ҳокозо. Дастлабки дўппиларни кўрадиган бўлсак, улар ранг-барангдир. Илк дўппилар шакли ўткир учли қилиб салла билан кийишга мўжаллаб кизаги кенг жиякли қилиб таёrlанган. 20-асрнинг биринчи ярмидан дўппиларнинг шакли ўзгариб борди. Яъни тепаси думалоқ ёки мурабба шаклга эга бўлган эди. Тайёр дўппининг тепаси кизагидан мурабба шаклида бўртиб чиқиб яrim доира ташкил этади. Шакли кўп жихатдан Чуст дўпписига ўхшаш бўлган Марғилон дўпписи гуллари нисбатан ингичка ва узун қалампир шаклининг сидирға қопланмаслиги билан фарқ қилган кўринишида бўлади. Шу ўринда Ўзбекистонда машхур бўлган “Ироқи” дўппиларида сўз юритсак. Ироқи дўппилар Шахрисабзда кенг тарқалган ва урф бўлган дўппилар сафига киритилган. Бу дўппи ўзбеклар яшаган барча худудларда учрайди. Бу тур дўппида кашта иллари суғирилиб тўр ҳолига келтирилган мато яъни сурпга рангли ипак билан ёки ингичка толали пахта или билан ироқи чок усулида тикилади. Фарғона водийсида тарқалган ироқи дўппилар нақш мужассамоти ранг-баранг гулли новдалар, улар орасидаги яшил кўк тусли қушча шакли билан ажраб туради. Тошкентдаги ироқи дўппи эса оқ заминга атиргуллар тўқ ва оч қизил ипакларда тикилгани билан характеристиранади. Бундайин дўппилар “Раъно,

Гули, Фаргона тонг отгунча” ёзувлари мавжудлиги билан башқа ироқи дўппилар билан фарқланади. Дўппидўзлик дўппи тикиш касби, бадий ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган турларидан ҳасобланиб келган. 20-асргача махаллий ахоли ҳунармандчилиги бўлиб келган ва кейинчалик ҳунарманд усталар артелларга бирлаштирилган. Махаллий дўппидўзлар тиккан чоклари усулларини турлича атамалар билан аташган. Жумладан-Чамак чоки. Чамак чоки чапдан ўнгга икки паралел чизиқ бўйлаб тикилади ва ип ўтказилган игна ўнгдан санчилади. Сўнг юқорига чап томонга қия қилиб чиқарилади ва пастки чизиқقا паралел равишда тўғри қадалади ҳамда пастки қисми ҳам қия қилиб чиқарилади. Чакмак чоки кўпинча нақшларни рамкага олишда ёки дўппининг кизакларига, белбоғ қирғоқларига бадий безак беришда ишлатилади. Яна бир чокнинг номи баҳя чокидир. Баҳя чоки бу каштанинг четларини мустахкам этишга хизмаи этади. Матога худди кўклагандек чок оралиғидаги масофа бир текис бўлиши учун мўнжалга олиб тикилади. Сўрнgra матони чап томонига угирилиб яна тикиб чиқилади. Кейинчалик тиқув машинкасида қайта ишлов берилади. Чоклар орасида дурӯя яни икки томонлама чок алоҳида ажралиб туради. Бу чок санама, пилтадўзи номлари билан аталиб келган чок тури хисобланади. Яъни пастда, пастдан юқорига сидирға тикилиб ҳосил қилинади. Ёнма-ён тикиладиган чоклар бир текисда ёки гул шаклига қараб кичикдан катталашиб, каттадан кичиклашиб боради. Дўппи кашталарида бу усулдан кенг фойдалинади. Кейинги маълумот берадиган чок тури бу чинда ҳаёл чокидир. Бу чок дуруя чоки, матога игна қадалиб бир миъёрда тикилиб чиқарилади, тескарисини ағдариб яна шундай тикиб чиқилади. Шу тариқа матонинг олди ва орқа томонида бир хил кўринишдаги гул ҳосил этилади. Йўрма чоки эса –йўрмаки, илмоқли бегиз ёки игна билан матонинг ўнг томонида ҳалқалар занжири ҳосил қилиб тикиладиган чокдир. Йўрма чоклари билан йирик кашталарнинг ҳошиялари, гул ва баргларни асосий шохга улайдиган бандлари ва шу кабилар қадимдан шу кўринишдаги усул чокида тикилган. Дўппининг дастлабки кўриниши сураткаш томонидан чизиб берилган кашталар тасвиридир. Кашталарни чизиш вақтида сураткаш

тиклидиган ип-ипак рангига ҳам мос бўёқ беради. Дўппиларни безаш йўналиши ўзбек халқининг дунёқарashi ва борлиқни эстетик идрок этиш, унинг анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқилгандир. Халқларнинг тафаккури шиддат билан ўзгариб бораётган бир даврда миллий қадриятлар ва манфаатларга оид масалалар тоборо долзарб бўлиб бормоқда. Инсониятнинг цивилизацион ривожланиш тарихидан аёнким ҳар бир этик грухларнинг ижтимоий тафаккури, аввало уларнинг миллий ўзига хослигини англаш ва асрash тамоиллари асосида шаклланади. Яъни муайян жамиятнинг дунё қарashi, миллий хунармандчилиги, тамоиллари, тарихий хотира маданияти жуда мухим ҳисобланади. Бу ҳолат тарихий тажрибага мурожат қилиш орқали замонавий муаммоларни англашга, уларга этнотарихий воқелик сифатида ёндошиб, тахлил қилишни табиий талаб этади. Булар натижасида мураккаб даврларда халқлар ва элатларнинг айнан тарихий хотира маданияти мухим ўрин тутиб, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини идрок этиш, шунингдек миллий хунармандчиликлар орасидаги энг қадимиylаридан бири бўлган дўппидўзик тарихини ўрганиш учун илмий манбааларни очиб беради. Қадимдан дунё халқлари орасида ижодкор саналиб келган ўзбек халқи қанчадан – қанча сир-синоатга бой нақшлар, суратлар тарихини ўзига мужассам этган момомеърос кашталар усуллари орқали безак бериб таёrlанган дўппиларга назар солар эканмиз уларнинг барчасида ўзига хос бўлган маънавий дунёқарashi, маданияти, нафосатини аакс эттирувчи ажойиб хис-туйғуни сезамиз. Ёш авлодни донишманд халқимизнинг миллий, маънавий қадриятлари, анъаналар асосида тарбиялаш уларга яратувчанлик фаолиятини тақдим эта олади. Дарҳақиқат, кўпмиллатли Ўзбекистоннинг миллий тарихий-маданий меросини муҳафаза қилиш ва асрash умумхалқ ҳаракатига айланмоғи бугунги кун талабидир. Ватанимизнинг барча миллат ва ижтимоий табака вакиллари, кекса ва ёш авлодларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, ҳамжиҳатлигини мустахкамлаш йўли билангина инсонларнинг тарихий хотира ва маданиятии равнақ топишида мухим омилдир.

1. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” - 2002-йил- 3-боб.
2. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.
3. “Энциклопедик луғат” 1991-йил.
4. “ Маданият газетаси ” – Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги нашрининг 2023-йил нашрлари.